

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 2-қисмини нотўғри қўллаб, аризани кўрмасдан қолдириши суд қарорларининг бекор қилинишига асос бўлади.

Ж.Жабборов жавобгарлар К.Эралиев ва туман ҳокимлигига нисбатан ҳокимлик қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2009 йил 13 мартдаги ажримига кўра, Ж.Жабборовнинг даъво аризаси Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 2-қисмига асосан кўрмасдан қолдирилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2010 йил 14 октябрдаги ажрими билан суднинг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 18 июлдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниб, иш мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 2-қисми талабига кўра, аризани манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса, суд аризани кўрмасдан қолдиради.

Ж.Жабборов даъво аризасида ўзига тегишли бўлган ер участкасидаги уй-жойга асоссиз равишда туман ҳокимияти томонидан Н.Умарованинг эгалик ҳуқуқи белгиланганлигини, бу ҳолат унинг ҳуқуқларини бузилишига олиб келганлигини кўрсатиб, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Суд унинг даъвосини мазмунан кўриш ўрнига ажримда унга ҚФЙнинг қарорини тасдиқлаш масаласида туман ҳокимиятига мурожаат этиш ҳуқуқини тушунтириб, даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган. Суднинг ушбу хулосаси Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси талаби асосларига тўғри келмаслиги кассация инстанциясининг ҳам эътиборидан четда қолган.

ФСХ-231-11-сонли ажрим

